*Ватан севмак иймондандур!*

# Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ●

Нархи 10 сўм.

1993 йил 26 июнь, шанба № 118 (21.469).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### «ОЛТИН ВОДИЙ» ва «ФЕРГАНСКАЯ ПРАВДА» ВИЛОЯТ ГАЗЕТАЛАРИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Журналистика ва матбуот соҳаларидаги кўп йиллик самарали хизмати ҳамда жамоат турмушида фаол иштирок этгани учун қуйидагиларга Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвони берилсин:

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ»**

**Ефимов Юрий Павлович** — «Ферганская правда» вилоят газетаси хатлар ва оммавий ишлар бўлимининг мудири.

**Эргашев Дониёр Эргашевич** — «Олтин водий» вилоят газетасининг бош муҳаррири.

**Хусанов Абдужаббор Ўлмасович** — Фарғона вилояти матбуот бошқармасининг бошлиғи.

**ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:**

**Абдуллаев Аминжон** — «Олтин водий» вилоят газетасининг мухбири.

**Ашуров Иброҳимжон** — «Олтин водий» вилоят газетасининг бўлим мудири.

**Бобожонов Абдужалил Отажонович** — «Олтин водий» вилоят газетасининг масъул котиби.

**Куришев Борис Иванович** — «Ферганская правда» вилоят газетаси муҳаррирининг муовини.

**Муллаев Тошқўзи** — «Олтин водий» вилоят газетасининг мухбири.

**Размоскин Олег Владимирович** — «Ферганская правда» вилоят газетасининг катта мухбири.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 25 июнь.

## ЁНИЛҒИ ТЕЖАЛАДИ

**Қарши районидаги** Энгельс номли давлат хўжалиги меҳнат аҳли 4 минг гектар ерда деҳқончилик қилади. Асосий экинлар пахта, ғалла, маккажўхори ва полиз экинлари учун сувни «Дружба» каналидан олади. Аммо оби-ҳаёт ўз йўналиши билан экин майдонларига келмайди. «СП—500» маркали насоснинг ҳар бири секундига 500 литр сувни 10—12 метр баландликка кўтариб, лоток ариққа ташлайди. Хўжаликдаги ана шу 6 та насос фақат дизель ёнилғиси билан ишлайди.

Ҳар бир насосга кунига 500 литрдан кам бўлмаган миқдорда ёнилғи сарфланса, бунинг устига бир литр ёнилғи фалон пул турса, ахир бу хўжаликни иқтисодий жиҳатдан ўтқазиб қўяди-ку?

Хўжаликка яқинда директорликка тайинланган Ғулом ака Арслоновнинг шуни ўйлаб боши қотарди. Охири бу тўғрида фаолларга, гидротехник Муҳиддин Элмуродовга маслаҳат солди.

— Насосларни электр токига уласак, нима дейсизлар, — деди директор.

— Маъқул, — дейишди, шу масалани ҳал этишга тўпланганлар.

Энг муҳими, бу саъйи ҳаракатдан сўнг давлат хўжалигида жуда катта маблағ иқтисод қилиб қолинадиган бўлди. Мана, оддий арифметика: бир кунда насосларга 2 тонна солярка сарф бўлар экан. Агар унинг ҳар литри юз сўмдан сотиб олинганда ҳам юз кунда 20 миллион сўм маблағ кетади.

— Тежоғлиқ иш — бежоғлиқ, — дейди биз билан суҳбатда директор Ғулом Арслонов. — Ёнилғидан тежаб-тергаб фойдаланиш мақсадида шу ишни амалга оширдик. Тўғри, энергия ҳам текин ёки арзон эмас. Бунинг ҳам ҳисоб-китобини қилиб кўрдик. Кўп бўлса 5 миллион сўм маблағ кетаркан. Қолган 15 миллиони тежаб қолинади. Шунингдек, ёнилғи қуйиш шоҳобчасини ҳам тартибга келтираяпмиз. Тежаб қолинган маблағларга техникаларимизни юргизиш учун аккумулятор, шина ва бошқа эҳтиёт қисмлар сотиб оламиз. Қишлоқни ободонлаштиришга ҳам алоҳида эътибор берамиз.

**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



**Гуландом Камолова — Бухоро зардўзлик фабрикаси жамоасининг кенжа авлодига мансуб ишчилардан бири. У уч йил муддат мобайнида зардўзлик касбининг нозик жиҳатларини ўрганиб олди. Эндиликда бу ёш ишчининг қўлидан чиқаётган маҳсулотлар сифатлилиги билан мутахассислар эътиборини ҳам қозонмоқда.**

**СУРАТДА: кунлик режаларини 120—125 фоиздан адо этаётган серғайрат ишчи Г. Камолова.**

**Ҳ. ҚУРБОНОВ олган сурат.**

## ЯПОНИЯЛИК МЕҲМОНЛАР ТАШРИФИ

САМАРҚАНД. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қадимшунослик институтига Япониянинг йирик телерадиокомпанияларидан бири «Иечка» вакиллари ташриф буюрдилар. Самарқанд қоғози тарихига бўлган қизиқиш япон тележурналистларини бу қадимий ва табаррук заминга келишга ундади.

Мозийдан маълумки, Ўрта асрларда маданияти, санъати ва илм-фани равнақи билан шуҳрат қозонган Самарқанд нафис ва пишиқ қоғози билан ҳам оламга донг таратган. Қадимий адабиётлар ва тарихий манбаларда бу ҳақда кўплаб маълумотлар мавжуд. Улуғ алломалар ва шоирларнинг асарлари ана шу қоғозга босилиб, бутун жаҳонга тарқалган.

Япониялик меҳмонлар Самарқанд қоғозини тайёрлаш жараёни, ишлаб чиқариш усуллари тўғрисида мутахассислардан бой маълумот олдилар. Шунингдек, улар бундан бир неча йил муқаддам самарқандлик қадимшунослар Наманган вилоятининг Поп туманида ўтказган қазишмалари пайтида топилган қадимий шаҳар харобаси билан ҳам қизиқиб қолдилар. Япон тележурналистлари ана шу тарихий топилма ҳақида фильм яратиш учун яна Ўзбекистонга келиш ниятида эканликларини айтдилар.

**Х. ШУКУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## БУХОРО РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОРИ

Бухоро уйсозлик комбинати қошидаги «Бухорои шариф электроник корпорейшн» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси илк маҳсулот — рангли телевизор ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг ўринбосари Т. Мирёқубов ва Бухоро вилояти ҳокими Д. Ёдгоров бу ерда бўлиб, корхона фаолияти билан танишди. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, ҳар йили 50 мингта рангли телевизор йиғилади.

Республика бош вазирининг ўринбосари Жондор туманидаги томат паста ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон — Италия қўшма корхонасида ҳам бўлди. Бухоронинг таъмирланаётган эски раста бозорини кўздан кечирди.

**(ЎзА).**

**БУГУН — ИХТИРОЧИЛАР ВА РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР КУНИ**

## ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЖОНКУЯРЛАРИ

Бир тўхтамга келинганини — янгилик яратилгани.

Бу — техника-ускуна такомиллашгани, меҳнат унумдорлиги ортгани, меҳнат сарфи камайгани, маҳсулот сифати яхшилангани билан баҳоланади. Шу меъёрий масалалар билан одатда ихтирочилар ва рационализаторлар шуғулланадилар. Уларни фан-техника тараққиёти жонкуяри, деб аташ одатга кирган.

Ўзбекистонда фан-техника тараққиёти масалалари билан шуғулланувчи бундай ижодкорлар даврасі кун сайин кенгайиб боряпти. Улар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализаторлар — Бухоро пиллакашлик фабрикаси бош механиги Ражаб Бурҳонов, Тошкент метрополитени депоси катта устаси Борий Фаёзов, Хоразм вилоят шифохонасининг хирургия бўлинмаси мудири Бахтиёр Бобожонов ҳам бор. Иш жараёнларини такомиллаштириб бориш бундай кишилар учун иккинчи истеъдодга айланган. Нима иш қилишларидан қатъий назар, ижодкорлик билан шуғулланишни ўзлари учун фарз ҳисоблайдилар.

Ўз техникавий ечимларини ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларига жорий этиш завқи билан меҳнат қилаётганлар кўп. Янгилик яратувчилардан 12 киши ўтган йили — Ўзбекистон Республикасининг бир йиллиги арафасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор унвонлари билан тақдирландилар. Халқ хўжалиги турли тармоқларида техникани тараққий эттиришга муносиб ҳисса қўшаётган бундай ижодкорлар орасида Андижон давлат дорилфунуни ректорининг ўринбосари Иброҳим Асқаров, Қарши нефть қазиб олиш бошқармаси бош муҳандиси Ислом Очилов, Самарқанд уйсозлик комбинати бош муҳандиси ўринбосари Федор Пак каби мутахассислар ҳам борки, улар билан тармоқ ходимлари ҳақли равишда фахрланса арзийди.

Тан олиш керак, техника ижодкорлиги усталари бозор иқтисодиётига ўтиш қийинчиликларини енгиллаштиришга катта шахсий-ҳисса қўшишяпти. Гарчи рақамлар умумий бўлса-да, улар иш миқёси, фойда ва самарани қиёслашда қўл келади. Шу боис айрим изли-қутли рақамларни келтириб ўтиш лозим. Кейинги бир йилда мамлакатимиз ишлаб чиқаришида 271 ихтиро ва 13.000 тадан кўпроқ рационализаторлик таклифлари жорий этилди. Ишонасизми, жорий этилган бу техника янгиликлари Ўзбекистон халқ хўжалигига қарийб 500 миллион сўм иқтисодий наф келтириб турибди.

— Шу билан бирга, — дейди Ўзбекистон Ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти республика кенгашининг раиси Тожиддин Алимов, — ихтирочилик ва рационализаторлик ижодкорлиги билан шуғулланувчилар сони камайиши кузатиляпти. Бу аҳвол тегишли вазирликлар, идоралар, корхона ва ташкилотлар маъмуриятларини ўйлаб иш тутишга даъват этади. Чунки улар баҳона қилиб, патент-лицензия, ихтирочилик ва рационализаторлик хизматларини қисқартиш, ҳатто тугатиш йўлини танлаб хато қилмоқдалар.

Ваҳолонки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати техника ижодкорлигини рағбатлантиришга оид қатор ҳужжатлар қабул қилиб, ихтирочи ва рационализаторларни ижтимоий ҳимоялаш кафолатларини яратиб бермоқдалар. Бизнингча, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш йўли энг тўғри сиёсат бўлиб, ихтирочилар ва рационализаторлар билан янгича муносабатда бўлишни тақозо этади. Техника ижодкорлари мустақилликни мустаҳкамлашда ўз истеъдодлари билан муносиб мадад кўрсатадилар, деб ишонамиз.

**Ж. ҲОЛҚОСИМОВ.**

## ИЛМИЙ АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

**⊙ Жиззах вилоятида атоқли олима, давлат ва жамоат арбоби академик Ҳ. Сулаймонова туғилган куннинг 80 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.**

Вилоят ҳокими А. Х. Тошкенбоев раислигида ўтган бу анжуманда олиманинг ҳаёти ва фаолияти, Ўзбекистонда ҳуқуқшунослик фанини ривожлантиришдаги роли, илмий ишларининг ва меросининг аҳамияти ҳақида маърузалар ҳамда бирга ишлаган ҳамкасбларнинг хотиралари тингланди. Конференция ишида Ўзбекистон жумҳурияти адлия вазири А. Мардиев қатнашди ва нутқ сўзлади.

**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ВЕНГЕР ПАРРАНДАБОҚАРЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

**● Жиззах вилоятидаги Зафаробод туманининг Темирязев номли ижара корхонаси паррандабоқарлари Венгриянинг «Бодлина» фирмаси билан ҳамкорликда серпушт товуқлар парваришини йўлга қўймоқдалар.**

Шу мақсадда 60 минг бош бир кунлик жўжалар келтирилди. Жаҳонга машҳур фирманинг «Петрасил» ва «Харка» зотли бу паррандалари маҳсулдорлик жиҳатидан ўзимиздаги жинсдошларидан анча юқори туради — йилига 300—312 дона тухум беради. Инкубатория тухумларнинг 90—97 фоизидан соғлом жўжа олишни кафолатлайди.

Венгриялик паррандабоқарлар амалий ёрдам сифатида 5 тонна донадор тўйимли ем, керакли дори-дармонлар ҳам юбордилар.

**Б. РИЗАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ХАЛҚ САЙЛИ

**Яккабоғ шаҳар болалар маданият ва истироҳат боғи эрта тонгданоқ одамлар билан гавжумлашди. Боғ узра дилрабо куй-қўшиқлар янграб турди. Бугунги байрам «Ўзбекистон овози» газетасининг 75 йиллигига бағишланганди. Узоқ-яқиндан келган газета мухлислари, кўплаб муштарийлар, район меҳнаткашларининг вакиллари боғнинг ёзги томоша залига тўпландилар.**

**Йиғилишни очган район партия кенгашининг биринчи котиби Ф. Юсупов «Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллиги тўғрисида маъруза қилди. Шундан сўнг сўзга чиққан кишилар газетанинг республика ижтимоий ҳаётида тутган ўрни, унинг ҳар бир чиқиши муштарийларда катта таассурот қолдираётгани ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.**

**Район маданият бўлими бадиий ҳаваскорлари ижросида катта концерт кўрсатилди. Колхоз ва совхозлардан келтирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, район матлубот жамияти уюштирган савдо ва маиший хизмат ярмаркалари байрам руҳини янада оширди. Халқ сайли кечгача давом этди.**

**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

### МДҲда

Россия ва Украина Бош вазирлари Украинадаги Қабуллар уйида ҳукуматлараро музокаралар очилиши пайтида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий муносабатнинг асосий масалаларини ҳал этиш ниятини билдирдилар.

Леонид Кучма делегациялар ҳамма масалаларни келишиб олиб, бир тўхтамга келишларига умид билдирди. Виктор Черномирдин эса мутахассисларнинг музокара арафасидаги иши натижалари туфайли 1993 йилга мўлжалланган ҳукуматлараро асосий битимлар имзоланишига имконият яратилди, деди.

* * *

**Кеча ярим тунда Литвада миллий пул — литас ва унинг юздан бир қисми — цент жорий қилинди. Рата—ТАСС мухбирларининг Вильнюсдан хабар қилишича, республика Президенти Альгирдас Бразаускас кеча кечқурун республика телевидениеси орқали гапириб, «Литва шу тарихий воқеага узоқ вақт давомида эришди, 1922 йилнинг октябридан 1940 йилнинг октябригача миллий валюта бўлган литас дунёдаги энг барқарор валюталардан бирига айланиб, бирон марта қадри пасайтирилмаган эди», — деди.**

* * *

Озарбайжон Миллат мажлиси пайшанба куни ярим тунда Республика Президенти Абулфайз Элчибейнинг барча ваколатларини маълум қилиб, бу ваколатларни Олий Кенгаши Раиси Ҳайдар Алиевга топширди.

### Хорижда

Туркия Усмонлилар ипмериясидан олиб кетилган ва ҳозир Россияда сақланаётган афсонавий Троя бойликлари қайтариб берилишини талаб қилмоқда. Маънавият вазири Фикра Саглар шу масала юзасидан музокара ўтказиш учун Россия комиссиясининг Анқарага келиши кутилаётганини айтди.

Хомер тасвирлаган Троя шаҳри Кичик Осиёнинг шимоли-ғарбида жойлашган. Уни 1870-йилларда немис қадимшуноси Генгих Шлиман топиб, кавлаб олган. Ўша пайтда Троя бойликларининг бир қисми Германияга олиб кетилган, иккинчи жаҳон уруши пайтида эса бу бебаҳо мажмуа Совет Армияси қўлига тушиб, СССРга бориб қолган.

* * *

**Салкам эллик йил ҳокимиятни бошқарган Италия Христиан демократик партияси тугатилиб, унинг ўрнига «Халқ маркази» партияси тузиладиган бўлди. ХДПнинг сиёсий котиби Мино Мартинацциоли Италия радиоси орқали шу янгиликни маълум қилди.**

**ХДП 20 июнда Италия бир қанча йирик шаҳарларининг ҳокимлари сайловида катта мағлубиятга учраган эди.**

* * *

Хитойдан Тайванга «Боинг-737» йўловчи самолёти олиб қочилди. Самолёт ички авиация йўлида учиб бераётган эди. Апрель ойида ҳам ичига икки юз киши тушган «Боинг—757» самолётини икки ХХР фуқароси эгаллаб олган эди. Ўшанда Тайван маъмурлари самолётни, йўловчиларни ва экипаж аъзоларини қайтариб юборган, олиб қочувчиларни эса осмон қароқчилигида айблаб, ушлаб қолган эди.

* * *

**Озарбайжон Арманистондан дарҳол ўт очишни тўхтатиш ва босиб олинган ҳудудлардан чиқиб кетишни талаб қилишини сўраб БМТ Хавфсизлик кенгашига мурожаат қилди. Озарбайжоннинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Ҳасан Ҳасановнинг Хавфсизлик кенгаши ҳужжати сифатида миллатлар ҳамжамияти қароргоҳида тарқатилган мактубида шу ҳақда гап боради.**

**Озарбайжондаги ички сиёсий тангликдан фойдаланган арман қуролли кучлари республиканинг Ағдам ва Ағдара туманларида ҳарбий ҳаракатларни кучайтириб юборди. Арман қўшинлари ва ҳарбий техникасининг Ағдара тумани маркази атрофида тўпланиши давом этмоқда.**

**«Арманистоннинг Озарбайжон ҳудудида ҳарбий ҳаракатларни фаоллаштираётганидан яна бир карра аён бўлмоқдаки, дейилади ҳужжатда, у томон Хавфсизлик кенгашининг 822-қарорини ҳам, тўққиз мамлакатдан иборат Минск гуруҳи таклиф этган шошилинч чораларни ҳам бажармоқчи эмас».**

(ЎзА).

*• Аҳвол қалай, талаба?*

## ЭСКИНИ ЯМАГУНЧА...

Талабалар ҳаёти ҳақида завқланиб, мароқланиб ёзгим келади. Бироқ уларнинг ҳамон ечимга маҳтал муаммолари, асабларни танг қилувчи ташвишлари хусусида ўйласанг дилинг беихтиёр ҳуфтон тортади. Чунки ётоқхонада яшовчи талабалар маиший шароитини дурустроқ ҳолга келтириш, бу ерда мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этишга астойдил саъй-ҳаракатлар бўлса-да, аммо улар, негадир, кўпинча кутилган натижани бермаётир.

Хўш, бунинг сабаби нимада?

Масалан, биз яқинда йўлимиз тушиб Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари олий билимгоҳининг 2-, 3-, ва 4-ётоқхоналарида бўлдик. Улардаги шарт-шароит билан танишдик.

Кўрган-билганимиз ва эшитганимиздан дастлабки хулоса шуки, бу ердаги аҳволни ҳам ҳеч иккиланмай Талабалар шаҳарчасидаги аҳволга тенгласа бўлади. Чунки дард бир, дармон бир деганларидек, ушбу масканда ҳам талабалар шаҳарчасидаги сингари камчиликлар: душ ишламайди, ювиниш учун мўлжалланган асбоблар жўмраги ёки яна қаеридир шикастланган, шунингдек, баъзи хоналар эшик-ромининг ҳоли ҳароб аҳволда ва ҳоказолар.

Камчиликларни тузатиш чораси ҳам деярли бир хил кўринди. Негаки, ётоқхоналар қурилганига 40 йил бўлибдики, шикаст емаган жойига ҳатто қўл теккизилмабди. 3-ётоқхонадаги электр симлари ўша биринчи —40 йил бурун ўтказилган қуйи деворлар сиртида осилиб тургани бунга мисол. Билмадик, қачонки улардан бирор чўғ ёки аланга чиқиб касофат рўй бериши кутилаётир шекилли. Бу ёғи бизга ноаён.

Ҳа, дарвоқе. Қурилиш факультети деканининг ётоқхона бўйича ўринбосари С. Д. Пятенконинг сўзларига қараганда, душ ишламаслигига сабаб ётоқхонадаги қувур тармоқларининг эскириб кетгани экан. Мабодо душ ишласа, сув ётоқхона ертўласига кетади. Лекин у ишламагани билан талабалар учун пулли ҳаммом ишлаётир, дейди у гапи сўнггида.

Декан ўринбосарининг фикри ўринли. Аммо ажабланарли томони шуки, ётоқхоналарда анча-мунча тартиб ва шароит ўрнатиб қўйишга қурби етган олий билимгоҳ раҳбарияти негадир ўша жузъий камчиликларни юзаки тузатиш билангина кифояланиб қолишмоқда.

Ахир ўша даққиюнусдан қолган, занг босган қувурлар бутунлай қайта янгиланмас экан, бир кун душ, иккинчи кун ювиниш хонаси ишламаслиги беш қўлдай аён эмасми?! Қолаверса, сув бўлмай қолган кун ётоқхона ҳожатхоналаридаги аҳволни сўзлашга ҳам ҳожат бўлмайди.

Қаердаки, масалага юзаки ёндошилар экан, ҳар қандай пухта қилинган иш ҳам яхши самарага эга бўлолмайди. «Эскини ямаб эсинг кетар» деганларидек, ушбу йўл билан бирор дурустроқ амалий натижага эришиш эса жуда мушкул.

Хуллас, бу ердаги камчиликлардан яна кўплаб мисоллар келтирса бўлади. Аммо, бизни камчиликларни дастак қилиб кўрсатиш эмас, балки, уларнинг тезроқ ечим топиши кўпроқ қизиқтирарди. Шу боис бу ишни нафақат олийгоҳ маъмурияти, балки, илмгоҳга бошқош Ўрта Осиё темир йўл бошқармасининг масъул маъмурлари ҳам жиддийроқ ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди. Жамиятнинг келажаги аталмиш талабалар ҳаққи-ҳурмати, ҳеч бўлмаса савобга қолишарди.

**Ш. РУЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## БОЛАЛАРГА СОВҒА

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов илгари ўзига совға қилинган отни А. П. Хлебушкина раҳбарлигидаги 22-болалар уйи тарбияланувчиларига совға қилди. Болалар совғани мамнуният билан қабул қилишди.

**(ЎзА).**

## ТАДБИРКОРЛАР УЧРАШУВИ

БУХОРО. («Ўзбекистон овози» мухбиридан телефон орқали). 24—25 июнь кунлари бу ерда Ўзбекистон тадбиркорларининг семинар учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон тадбиркорлари уюшмасининг президенти Х. Хўжаев «Тадбиркорларнинг Ўзбекистон Президенти И. Каримов амалга ошираётган тадбирлар, иқтисодий, ислоҳотни ривожлантиришдаги иштирокини фаоллаштириш тўғрисида» маъруза қилди.

Шунингдек, кенгашда тадбиркорлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилиши, давлат органлари ва тадбиркорларнинг ўзаро иқтисодий ҳамкорлик шакллари ва яна бир қатор муҳим мавзуларда маърузалар тингланди.

Ўзбекистон тадбиркорларига қарата вилоят ҳокими Д. Ёдгоров табрик сўзи билан мурожаат қилди.

Ўзбекистон тадбиркорлари Бухоро шаҳридаги кўпгина фирмалар, қўшма корхоналарда бўлдилар. Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасининг очилиш маросимида қатнашдилар.

Семинар-учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Т. Мирёқубов нутқ сўзлади. Унинг қатнашчилари Ўзбекистоннинг барча тадбиркорларига мурожаатнома қабул қилдилар.

**Н. НАИМОВ.**

